

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

**М.Г.ВОИНОВА
И.У.КУТЛИМУРАТОВА**

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА
ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**

(ўқув қўлланма)

Тошкент-2006

ТДЮИ ўқув-услугий Кенгаши Мажлисининг 2006 йил 7 июль № 13
сонли қарори билан нашрга тавсия этилган

М.Г.Воинова, И.У.Кутлимуратова.

Педагогик технологиялар ва педагогик
маҳорат. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: Қ.А.
Солиева. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –46 бет

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги, ТДЮИ.

Такризчи: педагогика фанлари номзоди, профессор
М. Тохтаходжаева

Ушбу ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг юридик факультетлари
магистратура йўналиши тингловчилари учун мўлжалланган бўлиб, унда
таълим соҳасининг долзарб масалаларидан бири бўлган педагогик
технологиялар, уларни юридик таълимда қўллаш ва интерфаол
методлардан фойдаланишнинг назарий жиҳатлари, шунингдек педагогик
маҳорат хусусида сўз юритилади.

© М.Г.Воинова, И.У.Кутлимуратова.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2006 йил.

Кириш

Ўзбекистон Республикасида содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар жамиятнинг турли соҳаларига, шу жумладан, таълим соҳасига бўлган янги ёндашувларни кўзда тутди. Демократик ривожланиш йўлида турган бизнинг давлатимизга юқори малакали, ҳар томонлама ривожланган, инсоний фазилатларни ўзида мужассам қилган шахслар лозим. Шахс тарбияси – Ўзбекистон Республикаси таълим тизими олдида Ўзбекистон Республикаси “Таълим ҳақидаги” Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» томонидан белгилаб берилган дидактик вазифадир.

Айнан шунинг учун, педагогик фаолиятда замонавий технологияларнинг қўлланиши мамлакатимиз таълим тизимидаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу давлатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларида фаол иштирок этадиган, халқ хўжалиги, ҳуқуқий, таълим ва бошқа вазифаларни ҳал қила оладиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш заруратидан келиб чиққан.

Магистратуранинг ўқув режасига “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” фанининг киритилиши педагогик кадрларга бўлган замон талабига жавоб беради. Бунда анъанавий педагогиканинг йиллаб йиғилган тажрибаси ҳам, педагогика, психология, ўқитиш методикасидаги инновацион технологияларнинг янги ютуқлари ҳам бирдек қоплаб олинган.

Мазкур қўлланмани тузишдан мақсад – инновацион технологияларнинг психологик-педагогик стратегиясини илмий асослаб бериш, шунингдек педагогик инновациялар асосида ётувчи шахснинг билиш фаолиятини таҳлил қилиб беришдан иборат. Дарсликда замонавий педагогик технологияларнинг турли услублари, усуллари ва шакллари, уларни анъанавий педагогика билан биргаликда қўллаш имкониятлари тақдим этилган.

Қўлланмани ёзишда мамлакатимизда ва хорижда чиқаётган адабиётлар, шунингдек Internet материалларидан фойдаланилди.

1. Бўлим. Таълим тизими ва педагогик кадрлар тайёрлашда педагогик технологиялар

1.1. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ислоҳ қилиш мақсад ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлидан бормоқда.

Республикада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг асосий мақсади ва кучга келтирувчи кучи инсон, унинг ҳар томонлама ривожланиши ва фаровонлигидир.

Мамлакат ривожланишининг асосий шартларидан бири бўлиб, замонавий иқтисод, илм-фан, маданият, техника, технологиялар тараққиёти асосида кадрлар тайёрлаш такомиллашган тизимининг фаолият юритиши ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг узлуксиз таълим тузилиши ва мазмунини тубдан ислоҳ қилишни кўзда тутди. Миллий дастур амал қилишида мавжуд таълим тизимлари кадрлар тайёрлашни ўзгартириш барча босқичдаги таълим жараёнини илмий-услубий таъминотдан ўтиб кетган ижтимоий тажриба ва илм-фандаги янги ютуқларга таянади.

Замонавий босқичда педагогик фаннинг долзарб масалалари сонига мақсад, мазмун, услуб, тарбиянинг воситалари ва ташкилий шакллариининг илмий таъминланганлиги, фан, техника, илғор технологиялар ютуқлари асосида шахсни ўқитиш ва ривожлантиришни киритиш мумкин.

Замонавий босқичда Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати фуқаро шахсининг ҳар томонлама ривожланишини, узлуксиз таълим тизими орқали шаклланишини кўзда тутди. Хусусан, шахс таълим хизматини ишлаб чиқарувчиси ҳам истеъмолчиси сифатида билим ва тажриба бериш жараёнида иштирок этади. Республикада шахсга ўз ижодий салоҳиятини амалга ошириши учун касб таълим дастурини танлаш ҳуқуқи берилган.

Узлуксиз таълим соҳасида алоҳида ўринни олий таълим эгаллайди. Умумий ўрта-маҳсус таълим асосидаги олий таълим узлуксиз таълимнинг мустақил тури бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ амалга оширилади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурига мувофиқ, олий таълимнинг мақсад ва вазифалари белгиланган. Улардан бири замонавий таълим-касб дастурлари асосида юқори натижали таълимни ташкил қилиш ва кадрлар тайёрлаш.

Шундай қилиб, Миллий дастурнинг асосий мақсадларидан бири таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, мафкуравий қобикдан бартараф бўлиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавият ва ахлоқ талабларига жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини тузишдир¹.

Мазкур мақсадни амалга оширишда қуйидаги муҳим биринчи галдаги вазифаларни ечишни кўзда тутилади:

- таълим тизимини Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари асосида ўқув-илмий-ишлаб чиқариш ягона комплекси сифатида унинг илғор тараққиётини таъминлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатбардош муҳитнинг шаклланиши;

- таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш тизимининг жамиятда ўтказиладиган ўзгаришлар, ривожланган демократик ҳуқуқий қурилиши давлат билан боғлаш;

- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг истиқболдаги ижтимоий ва иқтисодий тараққиётидан, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, техника, технологиянинг ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайтадан ишлаб чиқиш;

- таълим олаётганларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва маърифий ишларнинг янги самарали услубларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини, таълим муассасаларининг аттестация ва аккредитация қилинишини объектив баҳолаш тизимини татбиқ қилиш;

- талаб қилинаётган таълим даража ва сифатини таъминловчи норматив, моддий-техник ва ахборот базасининг тузилиши, фаолият юритилиши ва барқарор тараққиёт кафолатлари, янги ижтимоий-иқтисодий шароитда кадрлар тайёрлаш тизимининг устуворлиги;

- таълим, илм-фаннинг самарали интеграциясини таъминлаш, давлат эҳтиёжларини шакллантириш, шунингдек нодавлат тузилмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг тайёрланаётган кадрларга буюртма механизмларини ишлаб чиқиш;

¹ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 1997 й.

- янги педагогик технологияларнинг ишлаб чиқилиши ва татбиқ қилиниши таълим тизимининг босқичма босқич шаклланиши билан талаб қилинади. Хусусан, педагогик технологияларнинг қўлланиши Миллий дастурнинг иккинчи босқичидан, уларни татбиқ қилиш базаси тузилиб, кенг қўллаш имконияти туғилгандан кейин қўлланиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчи босқич (2001-2005 йй.) – Миллий дастурнинг кенг миқёсда қўлланилишини, унинг таҳририни назарда тутди.

Бу даврда мажбурий умумий ўрта ва махсус, касб, шунингдек ўқувчиларнинг қобилияти ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда дифференциялашган таълимига ўтиш амалга оширилади.

Таълим муассасаларининг махсус тайёрланган педагогик кадрлар билан таъминланади, улар ўртасидаги рақобат муҳити шаклланади.

Моддий-техника ва ахборот базасининг мустаҳкамланиши давом этади, ўқув-тарбиявий жараён юқори малакали ўқув адабиёти ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимининг ахборотлаштирилиши.

Таълим хизмати бозорининг шаклланиш механизмлари тўлалигича хизмат қилиши мумкин.

Учинчи босқич (2005 йил ва кейинги йиллар) – мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий истиқболларига мувофиқ йиғилган тажрибани таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантиришни кўзда тутди.

Таълим тизимида таълим муассасаларининг захира, кадрлар ва ахборот базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбиявий жараённинг янги ўқув-услубий комплекслар ва илғор педагогик технологиялар билан тўла қондирилиши назарда тутилган.

Миллий олий ўқув таълим муассасаларининг ўрнатилиши ва ривожланишининг амалга оширилиши ва касб таълим муассасаларининг мустақиллиги ва ўзини ўзи бошқарувининг мустаҳкамланиши.

Таълим жараёнининг ахборотлаштирилиши, дунё узлуксиз таълим тизимининг компьютер ахборот тармоқлари билан тўла қамраб олинishi.

Илғор педагогик технологияларнинг олий ўқув юртларида амалиётга татбиқ этиш қуйидаги вазифаларнинг замонавий педагогик технологияларни босқичма босқич ҳал қилинишини кўзда тутганлиги акс этади:

- бакалаврият ва магистратура учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
 - олий ўқув юртлари учун юқори малакали касб ўқитувчиларини тайёрлаш, шу жумладан етакчи хорижий ўқув ва илмий марказларда;
 - бошқарувни такомиллаштириш, олий ўқув юртларининг мустақиллигини кенгайтириш, таъсисчилар, ҳомийлар, жамоат кузатув органлари кенгашлари шаклида жамоатчилик бошқарувини олиб бориш;
 - Таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграция қилиниши механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш;
 - Таълимнинг яққалашуви, ўз устида ишлаш, масофавий таълим технологиялари ва воситаларини ўзлаштириш;
 - талабаларнинг янги педагогик технологияларни қўллаб таълим олишини, тайёрловнинг модул тизимини тезлаштириш;
 - таълимнинг халқнинг бой ва маънавий ва интеллектуал мероси асосида гуманитар йўналишини ва умуминсоний қадриятларни таъминлаш;
 - амалиётда янги педагогик технологияларни ва тренинг мосламаларини, шунингдек мураккаб технологик жараёнларни ишлаб чиқиш;
 - илғор инновацион лойиҳалар тузиш бўйича фаннинг таълим амалиёти билан боғлиқлигини таъминлаш бўйича чораларини экспериментал майдон тузиш орқали ишлаб чиқиш;
- Санаб ўтилган услублар ва вазифалар замонавий педагогик инновацион технологиялар олий мактаби тизимида замонавий шароитда таълимнинг истиқболли ва самарали воситасини ўзлаштириш, тузиш ва кенг қўллаш заруриятини келтириб чиқаради.

1.2. Педагогик технологиялар: замонавий педагогика тушунчаси ва аҳамияти

Педагогик технологиялар нима? “Технология” атамасининг ўзи нимани англатади?

Бирор бир ишни моҳирлик билан бажариш яққа моҳирликни ташкил қилиб, аста-секин “жамоа моҳирлигига” – технологияларни ўзлаштиришга ўтилади. Педагогик адабиётларда педагогик технологияларга бир неча таъриф келтирилган. ЮНЕСКОнинг таърифи, фикримизча, мазкур тушунчанинг моҳиятини тўла очиб беради: “Педагогик технология – ўқитиш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлашга бўлган тизимли ёндашув ва мақсад ўқиш-ўқитиш шаклларини

оптималлаштиришдан иборат бўлган билимларни техник ва инсоний воситалар ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги орқали ўзлаштириш”.

Шубҳасиз, бу таърифдаги асосий сўзлар “тизимли ёндашув” сўзлари бўлиб, қолган бошқа сўзлар педагогик технология қисмларини ташкил қилади. Айнан тизимли ёндашув педагогик технологиянинг қатъий ва таълимга нотехнологик ёндашувдан фарқли ўларок устувор белгиси ҳисобланади.

Шундай қилиб, ЮНЕСКО таърифида келтирилган муайян ўқув жараёнининг педагогик технология таърифига мувофиқлиги унда тизимли ёндашувнинг қўлланилиши ва қўлланилмаслигидан иборат. Масалани бундай қўйиш педагогик технологияларни фақат мактаб доирасида қўллаш билан асоссиз чеклаш яққол намоён бўлмоқда. Тизимли ёндашувнинг олий таълим ўқув жараёнига татбиқ қилиш унинг самарадорлигини ошириш мумкин.

Муайян ўқув фанлари бўйича тизимларни лойиҳалаштириш қоидалари асосида педагогик технологияни лойиҳалаштиришнинг изчиллигини кўриб чиқамиз.

“Технология” тушунчаси замонавий фанда энг оммавий тушунча бўлиб ҳисобланади. Бунга қарамай, “технология” терминини ўқув жараёнида қўллашга нисбатан турли мунозаралар мавжуд, чунки “технология сўзи ишлаб чиқариш жараёнида қайта ишлаш, тайёрлаш, маҳсулотни материалнинг ҳолати, шаклини ўзгартириш, материал шакли” деган маънони англатади, бу эса ўқув жараёнини яққалаштириш принципига қарама қарши ҳолатдир. “Педагогик технология”, “Таълим технологияси” тушунчалари моҳиятига ягона стандартлашган ёндашув бошқа муаммолар сирасига киради.

Хусусан, “педагогик технология” тушунчаси қуйидагича таърифланади:

Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмун техникаси (В.П. Беспалько).

Таълим технологияси – дидактик тизимнинг таркибий процессуал қисми (Юдин В.В).

Педагогик технология ўқитувчининг касб фаолиятини янгиловчи ва режалаштирилаётган якуний натижани кафолатловчи жараёнларнинг йиғиндиси. (Бордовский Г.А.).

Педагогик технология педагогик мақсадларга эришиш учун шахс, услубий барча воситаларнинг тизими сифатида эътироф этилади. (М.В. Кларин).

ЮНЕСКО ҳужжатларида таълим технологияси ўқитиш жараёнининг тузилиши, қўлланиши ва таърифланиши ва билимларнинг инсон ва техника ресурсларига таянган ҳолда ўзлаштирилиши ва ўзаро таъсири сифатида намоён бўлади.

ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган таъриф замон талабига мувофиқ: “Педагогик технология – ўқитиш жараёнини тузиш, қўллаш, аниқлашнинг тизимли услуби, таълим шакллари мувофиқлаштириш вазифасини ўз олдига қўйувчи билимларнинг техник ва инсон ресурслари, уларнинг ўзаро таъсири воситасида билимларни ўзлаштиришдир”.

Асосий сўз “тизимли ёндашув” сўзи бўлиб, бунда педагогик технологияларнинг таълимнинг бошқа ёндашувларидан фарқли белгиси мавжуд. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш услублари, натижаларининг назорати ва баҳоланишининг лойиҳалаштирилиши, уларнинг ўзаро таъсири – педагогик технологиялар курсининг асосий мазмунидир.

“Педагогик технология” сўз бирикмаси инглиз тилидаги an educational technology – “таълим технологияси” бирикмасидан олинган. Сўнгги пайтларда “педагогик технология” номи остида тарбия муаммоларига бағишланган барча ишлар кириб кетади. Шунинг учун, кўпгина тадқиқотчилар “методика” ва “таълим технология”си терминларини ажратиш зарурияти йўқ, деган фикрни илгари сурадилар. Хусусан, кўпгина тадқиқотчилар “методика” тушунчаси “технология” тушунчасидан кенгрок, чунки методика ўз ичига таълим сиёсати масалаларини, шу жумладан, технология танлашни олади, деган фикрни ёқлайдилар. Маълумки, методиканинг вазифаларидан бири у ёки бу технологиянинг қўлланиш имконияти мезонларини аниқлаш ҳисобланади. Технологиянинг методикадан фарқловчи иккита асосий омил бор – бу натижанинг кафолатланганлиги ва келажакдаги ўқув жараёнини лойиҳалаштирилиши.

Анъанавий жараён учун ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил қилишда фойдаланадиган таълимнинг ҳамма услублари ва воситалари учун хос бўлган анъанавий технология мавжуд. Бир томондан, таълим технологияси ўқув ахборотининг ишланиши, тақдим этилиши, ўлчаниши методлари ва воситалари сифатида қабул қилинади.

Дастлаб “таълим технологияси” дастурлаштирилган таълим ва методнинг техник воситалар билан қўлланиши билан боғлиқ бўлса, дастурлаштирилган жараённинг методларини ривожлантирилиши билан урғу таълим технологияларнинг ўзига берилди бошлади. Ком-

пьютерлар ва информатиканинг етказиш тўғрисидаги фан сифатида ривожланиши, шунингдек коммуникация воситаларининг тараққиёти “таълим технологияси” термини тушунчасини таълим жараёнини таҳлил қилиш ва лойиҳалаштириш томонга кенгайтирди ва ўзгартирди.

Технология тузилишга қуйидагилар киради:

- концептуал асос;
- мазмун қисми (таълим мақсади, мазмуни);
- процессуал қисми (ўқув жараёнининг ташкил қилиниши, ўқувчилар фаолиятининг методлари ва шакллари, ўқитувчилар фаолияти – таълим жараёнининг бошқаруви, ўқув жараёнининг диагностикаси);

Шундай қилиб, “таълим технологияси” тушунчасида икки қатламни ажратиш мумкин: ўқитувчига у ёки бу ўқув жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган фан ёки маълумотлар йиғиндиси, унинг ташкил қилиниши, тузилиши ва таъминоти;

Демак, таълим технологияси – илмий билимларнинг дидактик қўлланишига мўлжалланган тизимли тоифа, ўқув жараёнини ўқитувчиларнинг эмпирик инновацияларини ва талабанинг тараққиётида юқори натижаларга йўналганлигини ҳисобга олиб таҳлил қилиш ва ташкил қилиш.

Ўқув жараёнининг лойиҳалаштирилишининг технологик даражага чиқиши ўқитувчини юқори малакали мутахассис қилади, формал таълим муқобили, таълим олаётганнинг ролини кучайтиради ва ижод ривожланишининг янги усуллари очади.

Педагогик технология – бу таълимга бўлган ихтисослаштирилган инновацион ёндашув. Бу педагогикадаги таълимга бўлган ижтимоий-инженерлик ёндашувнинг ифодаси, таълим соҳасида илмий онгнинг техник лойиҳаси, таълим жараёнини маълум даражада стандартлаштириш ҳисобланади, компьютеризация, кибернетика билан боғлиқлик амалга оширилади ва ҳ.

Дунё педагогика фани, илмий-техник тараққиётнинг таъсирини синаган ҳолда, психология, кибернетика назарияси, тизимлар назарияси, бошқарув назарияси, социопсихология ютуқларини татбиқ қилиб, ҳозирги кунда фаол инновацион жараёнларни қидириш босқичида бўлиб, инсон ресурсларини самарали ривожлантириш амалиётига чиқишига имкон беради.

Ҳозирги вақтда амалдаги технологиялар ўқитувчи шахсига асосланган бўлиб, фаннинг ихтисослигини ҳар доим ҳам ҳисобга

олмайдилар. Ундан ташқари, бошқа томондан, ўқув фанининг олдида қўйилган мақсад ва вазифаларнинг ҳар доим ҳам аниқ белгиланмаган, у ёки бу ўқув фанини ўқиш натижасида олиниши лозим бўлган назарий билимлар ва амалий кўникмаларни аниқ белгиламайди, яъни босқичма босқич ва якуний назоратнинг аниқ тизими, таълим стандартлари мавжуд эмас. Бу эса ўз навбатида жараёни самарасиз қилади. Шунинг учун, педагогик ёндашувнинг айрим фанларни ўқитишда ўқув материални ўзлаштириш даражасини босқичма босқич ва тизимли назорат қилиш, билимларнинг қайта тиклашни назорат қилиш тизимини яратиш зарурати туғилди.

Саноатда кафолатли натижага эга кўпгина технологик жараёнлар ишлаб чиқилган. Ҳар қандай саноат технологиясининг асоси бўлиб деталнинг иш чизмаси ва йиғувчи бирликларнинг чизмаси ҳисобланади. Бу талабларга аниқ риоя қилиш қисмларнинг ўзаро алмашилишини таъминлайди, технологик жараённинг такрорланаётган операциялари эса қайта тикланадиган технологик циклни ташкил қилади. Айнан шунинг учун, муайян технология бўйича ишлаб чиқиладиган фан хориждаги муқобилидек сифатга эга бўлади.

Ўқув педагогик жараённинг таҳлили унда асосий тоифаларни: таълим мазмуни даражасида билимлар, малака, кўникма ажратиш, шунингдек ушбу кўникмаларнинг касб даражасида қўллаш имкониятини беради. Демак, ҳар қандай таълим жараёнида бўлгандай, ҳар қандай ўқув фани ўзининг асосий мақсади ва вазифаларини белгилаб олиши, шунга мувофиқ шаклланаётган асосий билимларни, кўникма ва малакаларни фарқлаши зарур. Бу эса ўқитишнинг ҳар бир босқичида ҳар қандай аниқ фаннинг натижаси бўлиши лозим.

Замонавий педагогик технологиялар таълимнинг манфаатли ташкил қилиниши, амалийлигига йўналтирилган. У педагогларнинг таълим олаётганларга нисбатан таъсирни ташкил қилишдаги кўникмаларини аниқлайди, анланган технологик педагогик фаолият усуллари таклиф қилади, замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитдаги меҳнат бозорида олинган билимларни қўллай билишга йўналтирилган.

2 Бўлим. Талаба шахсини ривожлантиришга бўлган илмий ёндашувлар

2.1. Билиш фаолиятининг психологик-педагогик асослари

Илғор педагогик технологияларнинг қўлланиши ўзига хос хусусияти талаба фаолиятининг ўқув-илмий фаолиятини яқуний ва самарали бўлишини кўзда тутиб, талаба шахсининг психологик ва педагогик хусусиятларини чуқур таҳлил қилади.

Шахс онгини шакллантириш шароити сифатида педагогик технологиялар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда фаолиятнинг кўпгина турларини кўриб чиққан ҳолда ҳаётда меҳнат, ўқиш ва ўйин ўзаро чамбарчас боғланиб кетади. Масалан, ўйинда таълим элементлари, ўқишда эса – меҳнат элементлари бўлиши мумкин. Ўз навбатида, меҳнатда ҳам таълим элементлари мавжуд. Бироқ ўйин, таълим ва меҳнат қанчалик тор чамбарчас боғлиқ бўлишмасин, улар бири-биридан фарқ қилади.

1. Ўйин, таълим ва меҳнат учун умумий бўлиб инсоннинг ўзининг эҳтиёжларини қониқтирилиши инсонлар ўртасидаги муносабатларни, атроф муҳитнинг воқеа-ҳодисалари, ўз фаолиятининг ихтисослиги билан эгаллаб олиши зарур.

Инсон фаолиятининг мотивлари турлича бўлиши мумкин:

- органик (организмнинг табиий эҳтиёжларини қондириш);
- функционал (фаолликнинг турли маданий меъёрлари, масалан, ўйинлар, спорт билан шуғулланиш ёрдамида);
- ижтимоий (жамиятда ўз ўрнини топишга йўналтирилган фаолиятнинг турли шакллари пайдо қилишади);
- маънавий (фаолиятнинг ўзини ўзи такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган турлари асосида ётади);

Фаолият мақсади сифатида унинг маҳсулотлари чиқади. Фаолият предмети бўлиб унинг бевосита йўналганлиги ҳисобланади.

Ҳар қандай фаолият муайян структурага эга. Инсон фаолияти хатти-ҳаракатлардан таркиб топади.

Хатти-ҳаракат – фаолиятнинг энг содда қисми бўлиб, унда энг оддий мақсад амалга оширилади. Ҳар қандай ҳаракат боши ва охирига, мазмуний тугалликка эга, нисбатан яқин мақсадларнинг эришилишига йўналган. Хатти-ҳаракат у ёки бу маънода онгли равишда амалга оширилади.

Ҳаракат деб, ахлоқий тамойилларга бўйсунган ҳаракатларни аташади. Уларнинг ижтимоий моҳияти инсон томонидан англа-

шилади. Шунинг учун инсон хатти-ҳаракатлари ўз мазмунига кўра олижаноб, номуносиб, ижобий ва салбий бўлишлари мумкин. Шу билан бирга қилмиш – аниқ ҳаракатларнинг амалга оширилиши услуби.

Ўйинда, таълимда, меҳнатда содир этилаётган ҳаракатлар ва қилмишлар инсон фаолиятини намоён қилишади. Ҳаракатларни амалга оширишнинг нечта тури бўлса, шунча турли қилмишларни фарқлаш мумкин.

Ўйинда содир этилаётган ҳаракатлар ва қилмишлар бирлиги инсон фаолиятини келтириб чиқаради. Унда инсон шаклланади, шахс сифатида ўзини ифода этади. Бунга аниқ шахс шаклланишига инсон фаолиятнинг таъсири кўп ҳолларда унинг касбга йўналганлигига боғлиқ.

Психологик жараёнлар инсоннинг ҳар қандай фаолиятининг муҳим қисми ҳисобланади. Бироқ, бунда улар фаолиятда иштирок этмайдилар, улар ривожланади ва фаолиятнинг алоҳида турларини намоён қилади. Шундай қилиб, ҳар қандай фаолият – ички ва ташқи, руҳий ҳаракатлар ва қилмишлар бирлашувидир.

Маҳорат - фаолият элементи сифатида ниманидир маҳорат билан қилишни, масалан, у ёки бу ҳаракат, операция, ҳаракатлар мажмуасини аниқ ва тўғри бажаришни ўз ичига олади. Маҳорат, одатда, ўз ичига кўникма, фаолиятнинг назорат қилинадиган қисмини олади.

Касб фазилатларининг шаклланиши тизимида айнан маҳорат муҳим аҳамиятга эга, илғор педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўқитиш вазифаларидан бири касб кўникмаларининг мустаҳкамланишидир.

Кўникма - тўла автоматлаштирилган, онгсиз равишда назорат қилинадиган кўникмаларнинг беихтиёр қисмлари. Кўникма деб ҳаракатнинг автоматлаштирилган қисмини аташ мумкин.

Барча турдаги маҳоратнинг шаклланишида машқлар катта аҳамиятга эга. Улар туфайли кўникмаларнинг автоматлашуви, маҳорат, фаолиятнинг такомиллашиши содир бўлади. Машқлар маҳорат ва кўникмани ишлаб чиқишда зарур бўлса, уларни сақлаш ва мустаҳкамлашда ҳам зарур бўлади. Доимий, тизимли машқларсиз маҳорат ва кўникма, одатда, йўқолади, ўзининг сифатини йўқотади.

Илғор педагогик технологияларни қўллаш асосида шахс шаклланиши чегараларини кенгайтирувчи билиш фаолиятининг тараққиёти ётади. Бу ўз навбатида талабага таълимнинг бундай шаклида

нафақат билим ва ахборотларни олади, балки янги билимларни яратиш, касб маҳорати ва кўникмаларини эгаллаш, уларни касб эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қайта ишлашда ёрдам беради. Билиш фаолиятига фаол киришиш касб маҳорати ва кўникмаларини шакллантириш даражасида юқори натижаларга эришиш имконини беради.

2.2. Таълим жараёнида ижтимоий-фаол шахснинг шаклланиши

Олий мактабда таълим олиш жараёнида талабанинг ижтимоий ва касбга мослашиши мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш муҳим ва долзарб аҳамиятга эга. Шу муносабат билан ижодий фаол, шахснинг масъулиятли касб фаолиятига тайёрлигига ёрдам бериши мумкин учун ҳал қилиниши лозим бўлган қатор вазифаларни юзага келтиради. Шундай қилиб, етакчи сифатида мутахассис тайёрлашда прагматик мақсадларни эмас, балки шахс шаклланиши мақсадларини илгари суриш керак. Бундай мақсадга эришишда муҳими таълимнинг бундай ташкил қилинишидан воз кечиш ҳисобланади. Ўзлаштирилётган интизомий билимлар мазмунига бори қадалмайдиган ўқитишнинг мазмунини ажратиш келажакда шахс шаклланишида чегараларнинг кенгайишини англатади. Ўқув фаолият бундай ҳолларда кўп босқичли тизим сифатида кўрилиши лозим.

Бундан ташқари, бундай ҳолат олий таълимнинг билимларни ўзлаштириш ва истеъмол қилинишга бориб тақаладиган онгли рад жавобини англатади. Илмий-техник тараққиёт шароитида олий мактаб билимларни, маҳорат, кўникма ва тажрибани етказишни бирлаштира олмайди. Шу билан боғлиқ ҳолда таълимни нафақат қайта тасвирлаш, балки ижодий жараён деб тасвирлаш жоиз. Агар олий мактаб ўқитувчилари ҳам, талабалар ҳам билимларга бўлган янги муносабатларни ишлаб чиқишса, (истеъмолчиники эмас, балки ижодий), асосий ички асослар – таълим тизими мақсадларининг қайта қурилишига тайёргарлик яратиш тўғрисида гапириш мумкин. Бу асос таълим жараёнида илғор педагогик технологияларни татбиқ қилиш ва мустаҳкамлаш учун асосий шарт бўлиши лозим.

Олий мактаб олдида турган асосий вазифалар ва унда педагогик технологияларни қўллаш билан бир қаторда ҳозирги вақтда таълим табиатига кўра жамоавий кўринишда бўлади, ижтимоий ташкил қилинган ўзаро таъсир, муносабат, муомалалар тизими. Унда марказий ролни педагогнинг ўзаро таъсири воситаларининг кўпгина шакллари ўйнайди.

Ўқув жараёнининг самарадорлиги, шахснинг шаклланиши ва малакали мутахассиснинг ижтимоий мослашуви қуйидаги ҳолларда бўлиши мумкин:

- ҳар бир таълим олаётган ўқийди, “фан учун ва фан билан” ишлайди, умумий масалаларни ҳал қилувчи гуруҳ фаолиятида иштирок этиш билан бирга ўзининг яқка тажрибасини фаоллаштиради.

- шахснинг индивидуллаштирилишига ҳал қилувчи омил бўлиб, янги билимлар, янги қарашлар, фаннинг моҳиятига чуқурроқ кириб бориш, “мавҳумликдан аниқликка қадар ҳаракат”дир. Фақат шундагина, таълим кадр-қийматга эга бўлади. Таълим ривожланишдан илгари бориши, уни жадаллаштириши ва янгиликлар яратиши лозим.

3 Бўлим. Илғор педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари

3.1. Педагогик технологияларни яратишнинг илмий-назарий асослари

“Педагогик технологиялар”нинг назарияси ва амалиёти ХХ асрнинг 70-80 йилларида АҚШда яратилган. У билимларнинг қайта тасвирланиши, режалаштирилган натижаларни кафолатловчи қайта тикланадиган педагогик циклни ўз ичига олади. 70-80 йилларнинг бошида АҚШ, Японияда янги педагогик технологиялар муаммолари кўриб чиқиладиган журналлар нашр қилина бошлади, кейинчалик ушбу муаммо билан махсус муассасалар шуғуллана бошлади.

Педагогик технология психофазик жараёнларда вужудга келади.

Бизнинг мамлакатимизда педагогик тестдан ўтказиш каби йўналиш кенг қўлланмоқда. Ундан ташқари, педагогик технология тизимли назарияси ишлаб чиқилмоқда. Маълумки, педагогикада талабанинг фаол фаолиятини таъминлашга қаратилган қатор услублар ишлаб чиқилган: муаммоли ўқитиш, ўйинлар, ролли ўйинлар, контекст таълим ва б. Бироқ, улар кенг ва тўла олий таълим тизимида қўлланади дейиш унчалик ҳам тўғри бўлмайди. Бунга сабаб, бу турдаги топшириқларни тайёрлаш юқори маҳоратни, ижодий ёндашувни, вақтни талаб қилишида, деб ўйлаймиз. Бундай машғулотнинг сценарийси яқка, ихтисослаштирилган ва объектив равишда тестлаштирилмаган, чунки аудитория, ўқитувчи ва ҳар талаба, улар ўртасидаги муносабатларнинг психологиясини ҳисобга олган тузилади.

Бироқ сўнгги вақтларда, таълим тизимида бўлган ёндашувларни ислохлаштириш талабларига мувофиқ бундай турдаги машғулотлар анъанавий методиканинг услубларини истисно қилмаган ҳолда замон талаби бўлмоқда.

3.2. Таълимнинг анъанавий методларига инновацион ёндашув

Умумқабул қилинган, анъанавий методлар ичида дидактика ва методикада ўн йилликлар мобайнида амал қилаётган тушунтириш-кўргазмали услублар мавжуд. Охириги ўн йилликлар ичида қидирув-ижод методидан фойдаланилмоқда.

Бу ёндашувларнинг барчасида умумий ҳолатлар бўлиб, бири-биридан фарқ қилувчи жиҳатлар ҳам мавжуд.

Тушунтириш-кўргазмали ёндашув анъанавий ҳисобланиб, ўқитувчи томонидан маълумот бериш, талабалар хотирасида олинган билимни йиғиш ва мустаҳкамлашдир. Бунда “билим” тушунчаси хотирада сақланаётган маълумот сифатида тушунилади. Ушбу тизимда билимлар – эслаб қолишнинг асосий натижасидир.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, педагогик технологияларни такомиллаштириш ва ажратиш жараёнида таълимнинг процессуал жиҳатлари ажратилади, мазмун эса тузилишига, мантиқига кўра ўзгаради. Таълимнинг мазмуни асосан технологиянинг процессуал жиҳатини ҳам белгилайди, шундай қилиб технологиянинг процессуал ва мазмун қисми бир-бирини акс этиб туради. Сўнгги йилларда мамлакатимизда дарсликлар мусобақа асосида бир неча вариантларда яратилмоқда.

Технологик ёндашув анъанавий ўқув жараёнига нафақат комплекс равишда, балки айрим қисмларга кўра ҳам татбиқ қилинади (уларни ўзлаштириш ва методик таъминланишига мувофиқ). Бу, энг аввало, хусусий ўқув мақсадининг аниқлаштирилиши услубларига тегишли.

Олий ўқув юртларидаги анъанавий ўқув жараёни ўз ичига маъруза курслари, семинар ва амалий машғулотларни олади. Анъанавий таълим мазмуни ва шаклига зиён етказмаган ҳолда педагог ва методистлар анъанавий методларни педагогик инновацияларни қўллаш ҳисобига кенгайтириш лозим.

Маъруза эшитиш – интеллектуал фаолиятнинг мураккаб тури бўлиб, унинг муваффақияти, биринчидан, жамоанинг “эшитишни билиши”, иккинчидан, материални қабул қилишга (механик эмас, балки онгли равишда) интилиши билан шартланган. Маърузани ёзиб бориш эътиборни энг муҳим жиҳатларга қаратишга ёрдам беради.

Бундай иш талабаларда қийинчилик уйғотади: айрим талабалар сўзма сўз ёзишга, айримлари узиб-узиб ёзишга ҳаракат қиладилар.

1. Керакли маълумотларнинг ёзиб олинганидан кейин (мавзу, мақсад, маъруза режаси, тавсия қилинган адабиётлар).

2. Ёзганда асосий ҳолатлар ва уларни исбот қилувчи далилларни, ёзиб олиш керак.

3. Ёзувнинг аниқлигига, унинг кетма кетлигига интилиш, мавзуларни ажратиш, рақамли ва ҳарфли номерлардан фойдаланиш (рим, араб, катта ва кичик ҳарфлар), хат боши, бош сўзнинг тагига чизиш ва ҳ.

Материални ёзиш шакли турлича бўлиши мумкин – ўрганилаётган материалнинг хусусиятига боғлиқ.

3.3. Таълимнинг интерфаол методларининг назарий асослари

Ҳозирги кунда назариячи педагоглар таълимнинг барча методларини куйидаги тоифаларга ажратадилар:

1. Дикқат-эътибор ўқитувчига қаратилган;
2. Интерфаол;
3. Индивидуаллаштирилган;
4. Тажрибага асосланган;

Бу методларни самарали ва оқилона қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Таълимнинг интерфаол методларини қўллаш ўқитувчи ва талаба ўртасида алоқа ўрнатилишига ёрдам беради. Айнан қандай интерфаол метод танланиши ва қўлланиши кераклиги таълимнинг мақсадлари билан белгиланади. Интерфаол методларни қўллаш намунаси сифатида машғулотларнинг куйидаги турларини келтириш мумкин:

- гуруҳли баҳс-мунозара – у ёки бу муаммони ечиш учун тажриба алмашиш учун йиғилган икки ва ўттиз ёки қирқ кишилиқ гуруҳнинг биргаликдаги иши. Баҳс-мунозара очиқ ва эркин алоқа, мақсадга йўналганлик, фактлар билан танишиш билан тавсифланади.

Қуйидагилар учун ишлатилиши мумкин:

- муаммоларни ечиш;
- тренинг;
- баҳоловчи тадқиқот;
- ишониш;
- фикрларни ўзгартириш;
- гуруҳли терапия;
- аниқ ҳолатнинг ўрганилиши (кейс-стади);
- Кўптомонлама музокаралар;
- Гуруҳли лойиҳалар;

Аудитория шароитида қўлланадиган бу шакл ва методлар яхши тузилган бўлиши ва аниқ давр рамкалари билан чекланган бўлиши лозим. Санаб ўтилган методларининг барчаси гуруҳнинг эътиборига етказилиш учун улар тўғрисида қисқа маълумот берилиши керак. Баҳс-мунозара пайтида ўқитувчи уларга шарҳ ва кўрсатмалар бериб ўтиши мумкин.

Гуруҳли лойиҳалар катта ҳажмдаги тадқиқотлар ва аудиторидан ташқарида ишлашни талаб қилади.

Ўқув гуруҳларининг ташкил қилинишидан кейин уларнинг ҳар бирига лойиҳа берилади, ёки ўқитувчи томонидан тасдиқланган ўзининг лойиҳаси тайёрланади. Ундан кейин ҳар бир гуруҳ лойиҳасининг маълумотлари ва натижалари тўғрисида ахборот беради. Айрим ўқитувчилар ҳар бир талабани лойиҳанинг қисқа чизмаси билан таъминлаши лозим. Ҳар бир тақдимот кам вақт эгаллаши лозим. Бунда ҳар бир талаба савол бериш имкониятига эга бўлиши лозим.

Ақлий ҳужумнинг вазифаси қисқа вақт ичида барча ғояларни йиғиш ва ечимини топиш. Талабалар олдида қандайдир муаммо қўйилиб, 2-5 минут ичида ўз фикрларини билдиришлари лозим бўлади. Унинг асл моҳияти, жамоа ҳамкорлигида муаммони ечиш жараёнини вақт бўйича бир неча босқичларга ажратишдан иборат. “Ақлий ҳужум” методининг мақсади талабаларда ижодий, ностандарт фикрлаш қобилиятларини шакллантириш. Бу методни катта гуруҳда ёки кичик-кичик гуруҳларда ҳам қўллаш мумкин. Дастлаб, гуруҳ йиғилади ва улар олдида муаммо қўйилади. Муаммо ечими ҳақида барча иштирокчилар ўз фикрларини билдирадилар. Бу босқичда ҳеч ким ўзга киши ғояларига ҳужум қилмайди ёки муносабат билдирмайди. Ҳамма ўзининг фикрини айтиб бўлгандан кейингина баҳс-мунозара қилиш мумкин. Бир киши айтилган фикрларни доскага ёзиб туради. Бу босқич тугагандан кейин ёзув таҳрир қилиниб, муҳокамага чиқарилади. Талабалардан таклиф ва шарҳлар келиб тушмаса, ўқитувчи уларнинг фаол иштирогини таъминлаши лозим.

Кейс-стади методи аниқ бир воқеа ёки ҳодисанинг тасвирланишидан иборат. Одатда, “бир воқеа”ни ўрганиш учун талабаларнинг интерфаоллиги ва ўқитувчининг фаол шарҳлари лозим. Муаммонинг ечимини қидириш баъзан узоққа чўзилиши мумкин. Кейс-стадининг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

Ўтқирсюжетли ҳодисалар - зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо тасвирланади. Талабаларга мавжуд материаллар тақдим этилади. Кейин улар олдида саволлар қўйилади: қандай альтернативалар мавжуд, нима қилиш керак ва нима учун.

Инцидент-ҳолатлар - талабаларга муаммоли вазиятнинг қисқа тасвирланиши (100-200 сўз) тақдим этилади. Улар тўғри савол беришса, етмаётган маълумотларни олишади. Гуруҳ командаларга ажратилиши мумкин. Натижада бутун группа муаммонинг умумий ечимини топади.

Индуктив /дедуктив фикрлашни рағбатлантирувчи вазиятлар – асосий эътибор қарорнинг ўзига эмас, балки унинг қабул қилинишидадир. Талаба ўрганилаётган вазиятнинг тасвирланишини ўқийди ва таҳлил қилади, саволларга жавоб беради. Сеанслар тасмага ёзилиб, бошқа иштирокчилар қўллайдиган методларнинг ўқитувчи шарҳлари билан кузатилади.

Эксперт муҳокама - учтадан саккизтагача бўлган экспертлар гуруҳи ажратилади. Экспертлар таклиф қилинган мавзунинг турли нуқтаи назардан кўриб чиқадилар. Олиб борувчи умумий шарҳлар билан сўзга чиқиши мумкин. Мавзу муҳокама қилиниб бўлганидан кейин янги мавзу берилади. Эксперт гуруҳи аъзолари бўлиб, муҳокама қилинаётган мавзу бўйича мутахассислар бўлиши мумкин.

Таклиф қилинган мутахассис билан мусоҳаба (интервью) ўтказмоқ - талабалар ҳам ўқитувчилар ҳам таклиф қилинган меҳмонга тайёрлаб қўйган саволларини беришади. Интервью қизиқарли мавзуга ўтказилиши лозим. Студиядаги бир гуруҳ талабаларга меҳмоннинг фикрини ўрганиш таклиф қилинади. Кириш саволларини тайёрлаб қўйган гуруҳ биринчи бўлиб савол беради.

Ҳозирги кунда методистлар ва амалиётчи-ўқитувчилар томонидан гуруҳли ишларнинг кўпгина шакллари ишлаб чиқилган. Интерфаол методлардан энг фаоллари – “катта доира”, “аквариум”, “ақлий ҳужум”, “дебатлар”. Бу методлар машғулотда талабалар тасаввурга эга бўлган муаммо муҳокама қилинса, ўз самарасини беради. Ундан ташқари, муҳокама қилинаётган мавзу очиқ бўлиши лозим. Масалан, ўғирлик учун жазо ёки солиқнинг ўлчови қандай бўлиши керак деган масалани гуруҳ бўлиб муҳокама қилиш унча тўғри бўлмайди. Таълимнинг интерфаол методлари аудиторияда ҳамкорлик муҳитини яратиш имкониятини беради. Интерфаол методларга асосланган технологияни қўлга киритган ўқитувчи аудитория билан ижодий ҳамкорликда ишлашга ўрганади. Интерфаол методлар педагогга ностандарт ва масъулиятли қарорлар қабул қилиш имкониятини беради. Интерфаол методлар ўқитувчига қуйидаги имкониятларни беради:

-машғулот мавзусига таълим олаётганларнинг қизиқишини уйғотиш,

-ўқув материални мустақамроқ ўрганишга эришиш;

-таҳлилий фикрлашни ўрганиш;

-коммуникатив кўникмаларни шакллантириш;

-барча таълим олаётганларни фаол ўқув фаолиятига жалб қилиш;

-ўқув гуруҳида мувофиқ психологик микроиклим яратилишини таъминлаш;

Интерфаол таълим учун муҳим шартлардан бири бўлиб – интерактив бўйича тренингларда шахсан иштирок этиш тажрибаси ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ўқитувчи томонидан фаол методларнинг ўзлаштирилиши у ёки бу шаклларга бевосита айланиш билан бевосита боғлиқ. Бу ўқув жараёнининг йўналтириш, уни бошқариш ва ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни эришишга ёрдам беради.

3.4. Педагогик ахборот технологиялари

Замонавий таълим тараққиётининг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб, ахборот технологиялари ғоялари ва илғор педагогик технологияларнинг кириб келиши ҳисобланади. Замонавий педагогик концепцияларида таълим ўқитувчидан ўқувчига билим бериш жараёни сифатида кўриб чиқилмайди. Албатта, ўқув жараёнининг эсга олинган жиҳатлари инкор этилмайди. Ундан ташқари, кўпгина курсларда ўқув характеридаги маълумотларни бериш оддий вазифаси турибди. Бироқ ўқув мақсадлар кўлами кенгроқ – шахс ижодкорлигининг шаклланиши, доимий тараққиёт ва комилликка интилиш, касб фаолиятининг янги соҳаларини ўзлаштириш.

Янги ахборот технологиялари воситалари таълим олаётганларни турли замонавий воситалар билан таъминлайдилар. Анъанавий ўқув қўлланмаларидан ташқари таълим олаётганларга қуйидагилар таклиф қилинади:

- компьютер таълим дастурлари;
- электрон ўқув қўлланмалари;
- билимлар ва тестларни назорат қилиш компьютер тизимлари;
- электрон маълумотномалар ва энциклопедиялар;
- ўқув аудио-видеоматериаллар;
- Интернет тармоғига жойлаштирилган ахборот материаллари;

Санаб ўтилган воситалар шубҳасиз таълим сифатини оширади, ўқув материалнинг ўзлаштирилишини енгиллаштиради. Шу ерда масофавий ўқитиш тўғрисида тўхталиб ўтишимиз лозим. Масофавий ўқитиш усулларида фойдаланишга асосланган янги таълим технологиялари ва улардан фойдаланиш ўқув жараёнидаги кўпгина муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, деярли барча олий ўқув юртли ва ўрта-махсус ўқув муассасаларини информа-

цион технологиянинг замонавий воситалари билан таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Информацион технологияларни ривожлантириш, ўқитишни ташкил этишга янгича ёндашув тақозо қилади. Таълим технологиясини тўлиқ ишлаб чиқиш ва уни бошқаришни ҳар томонлама пухта ўйлаб, сўнгра, амалиётга татбиқ этиш лозим. Ўқув режалари, дастур, қўлланма, дарслик каби ўқув манбалари ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган масофавий ўқитиш марказлари ташкил этилиши керак. Улар жойларда ташкил қилинадиган маҳаллий регионал ўқув марказлари билан узвий боғланишда ишлайди. Бу тизимдан фойдаланувчилар (мижозлар) мазкур ўқув марказлари билан интернет орқали тўғридан тўғри боғлана оладилар.

Масофавий ўқитишни ташкил этишнинг ҳозирги замон моделлари асосида коммуникацион тармоқ технологиялари ётади. Масофавий ўқитиш тизимида бир қанча муаммолар ҳам мавжуд, улар – тизимни ва ахборотни муҳофаза қилиш, масофавий ўқитишни ташкил этишда тажрибали, билимдон мутахассисларни танлаш, талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш, улар учун муаммоли маърузалар ташкил қилиш ва бошқалар. Масофавий ўқитишда ўқитувчи билан талаба орасидаги мулоқотни телеконференция суслида амалга ошириш мумкин.

Масофавий ўқитишни ташкил қилишда муҳим масалалардан яна бири, мутахассис ўқитувчиларни танлаб олиш. Чунки бундай таълим самарадорлигини ошириш, кўп жиҳатдан мутахассисларнинг билим савияси ва ташкилотчилик қобилиятларига боғлиқдир.

Масофавий ўқитишнинг истеъмолчилари бўлиб қуйидагилар бўлиши мумкин:

- олий ўқув юртларидан узоқда яшайдиган барча ёшдаги шахслар;
- маълумотга эга ва малакасини оширишни хоҳловчи, иккинчи мутахассисликка эга бўлмоқчи мутахассислар;
- олий ўқув юртига киришни хоҳлаётган таълим хизматларининг кенг контингенти;
- анъанавий тарзда таълим олиш, ўқиш билан ишни бирга олиб бориш имкониятига эга бўлмаган шахслар (қишлоқ аҳолиси);
- Қуролли кучларда ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар, шунингдек захирадаги зобитлар ва уларнинг оилалари;
- Стационар шароитда маълумот олишга тиббий чекланишларга эга шахслар;

- Хорижда таълим олишни хоҳловчи шахслар;
- Қўшимча маълумотга эга бўлишни хоҳловчи интилувчан шахслар, қисқа муддатда таълим дастурлари билан танишиш;
- Қайта тайёргарлик лозим бўлган турли тоифадаги шахслар;
- Турли олий ўқув юртлари томонидан тавсия қилинадиган махсус таълим дастурларини бажаришни хоҳловчи шахслар;

Масофавий ўқитишга хос бўлган ўзига хос хусусиятларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. “Эгилувчанлик”. Таълим олаётганлар ўзига қулай вақтда, жойда ва суръатда шуғулланадилар. Ҳар ким фанни ўзлаштириши учун ва танланган йўналиш бўйича билимларга эга бўлиш учун керакли миқдорда шуғулланиши мумкин.

2. “Модуллиқ” – Масофавий ўқитиш дастурлари асосида модуллиқ тамойили ётади. Таълим олаётган томонидан ўзлаштирилган ҳар бир алоҳида фан мазмунига кўра муайян ўқув соҳасига тегишли бўлади. Бу мустақил ўқув курсларидан ўқув режасини шакллантириш имконини беради.

3. “Параллеллик”. Таълим асосий касб фаолияти билан биргаликда олиб борилади.

4. “Узоқда ҳаракат қилиш”. Таълим олаётган ва олий ўқув юрти ўртасидаги масофа самарали ўқув жараёни учун тўсиқ бўла олмайди.

5. “Қамров”. Бу хусусиятни оммавийлик деб ҳам номлайдилар. Таълим олаётганларнинг сони танқидий бўла олмайди.

6. “Рентабеллик”. Ушбу хусусият остида масофавий ўқитишнинг иқтисодий самарадорлиги ётади.

7. “Таълим олаётганлар”. Таълим олаётганларга талаб анаъанавий талаблардан фарқ қилади.

8. “ЯАТ” (янги ахборот технологиялари). Масофавий ўқитиш тизимида ахборот технологияларнинг барча турлари қўлланади.

9. “Ижтимоийлик”. Масофавий ўқитиш муайян даражада ижтимоий зўравонликни сусайтиради.

10. Масофавий ўқитишнинг “Байналмиллаллик” хусусияти таълим хизматларини экспорт ва импорт қилиш имкониятини беради.

Санаб ўтилган хусусиятлар масофавий ўқитишнинг устуворликларини белгилаб беради, шунингдек ўқитувчи ва тингловчига муайян талаблар қўяди.

Масофавий ўқитиш характери ва айрим ташкилий жиҳатларига кўра сиртқи таълимга яқин бўлиб, шу билан бирга ташқи фарқларга ҳам эга. Масалан, ўқишга киришда ва ўқув жараёнидаги эркин

график, ўқитувчилар билан ахборот технологияларини қўллаш орқали мулоқот қилишнинг кенг имконияти. Сиртқи таълим тажрибаси масофавий ўқитиш тизимининг шаклланиши учун жуда фойдали бўлиши мумкин.

Масофавий ўқитишнинг имкониятлари қуйидагиларда ифода этилиши мумкин:

- турар жойни тарк этмасдан таълим олиш имконияти;
- ватанимиздаги ва хориждаги таълим заҳираларидан фойдаланиш;
- бошланғич таълимнинг турли даражасида ҳаётий масалаларни ечиш учун маълумот олиш имкониятини тақдим этади;
- ўзининг имкониятларига кўра ўқишни тўхтатиш ва давом эттириш имкониятини беради;
- таълим заҳираларининг барча турларидан фойдаланувчи одамлар доирасини кенгайтиради;
- таълим нархини таълим заҳираларига бориб тушиши ҳисобига пасайтиради;
- жамият таълим салоҳияти ва сифати даражасини ошириш имкониятини беради;
- мамлакатнинг тайёргарлик кўрган сифатли мутахассислар ва малакали ишчилар эҳтиёжларини қондиради;
- аҳолининг ижтимоий ва касбий ҳаракатчанлигини, унинг тадбиркорлиги ва ижтимоий фаоллигини, дунёқараши ва онгини оширади.

Масофавий таълим воситалари қуйидагилардан иборат:

1. Ўқув дарсликлар (дарсликлар, ўқув-услугий қўлланмаларнинг электрон варианты, маълумотномалар ва ҳ.)
2. Тармоқ ўқув-услугий қўлланмалари;
3. Оддий ва мультимедиа вариантдаги компьютер тизимлари;
4. Аудио ўқув-ахборот материаллари;
5. Видео ўқув-ахборот материаллари;
6. Лаборатория масофавий практикумлари;
7. Электрон кутубхоналар;

Масофавий таълим тизимида таълим воситалари янги ахборот технологиялари орқали амалга оширилади.

Ўқув дарсликлари. Анъанавий дарсликлар, ўқув-услугий қўлланмалар, иш дафтарлари ва бошқа нашрлар масофавий ўқитиш тизимларида кенг қўлланилади. Таълим жараёнини техник жиҳозлаш

юқори бўлган масофавий ўқитишнинг хорижий тизимларида ҳам нашрларнинг сони юқори.

Масофавий ўқитиш учун мўлжалланган ўтказилган ўқув-услубий материалларнинг таҳлили натижасида ўқув-услубий материалларнинг фан бўйича тузилма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Фанга кириш (тарих, предмет, долзарблиги, бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги);
2. Фан бўйича ўқув дастур;
3. Фанни ўрганиш мақсад ва вазифалари;
4. Курсни мустақил ўрганиш бўйича услубий кўрсатмалар;
5. Мундарижа;
6. Асосий мазмун, бўлимлар бўйича тузилмаларга ажратиш;
7. Тестлар, саволлар, тренинг учун жавоблари билан берилган масалалар;
8. Якуний тест;
9. Мустақил иш учун амалий топшириқлар;
10. Кичик илмий-тадқиқот ишлари учун мавзулар;
11. Терминларнинг изоҳли луғати;
12. Қисқартмалар ва аббревиатуралар рўйхати;
13. Хулоса;
14. Адабиётлар рўйхати (асосий, қўшимча, факультатив);
15. Фан бўйича хрестоматия (дайджест).

4 мавзу. Ўйин ва инновацион технологияларнинг қўлланилиши назарияси ва амалиёти

4.1. Тренинг интерфаол метод сифатида

Ўзининг имкониятларини юзага чиқариш, билимларига баҳо бериш, ташқаридан ахборот олиш воситаси сифатида ўйин топширикларидан фойдаланиш интерфаол метод сифатида тренинг билан бевосита боғлиқ.

Тренинг педагогика ва психологиянинг фаол методларининг мажмуи ҳисобланади.

Тренингларнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, қуйидагилар бўлиши мумкин:

- гуруҳ билан ишлаш тамойилларига риоя қилиш;
 - гуруҳ иштирокчиларига ривожланишда психологик ёрдам бериш;
 - вақти вақти билан учрашиб турадиган гуруҳнинг мавжудлиги (7-15 киши);
 - муайян маконга эга бўлиш (одатда улар давра бўлиб ўтирадилар);
 - гуруҳ иштирокчилари ўртасидаги муносабатларга урғу бериш;
 - гуруҳ бўлиб ишлашнинг фаол методларидан фойдаланиш;
 - гуруҳ иштирокчилари субъектив ҳислари ва ҳиссиётининг объективлаштирилиши;
 - иштирокчилар ўртасидаги эркин муомаланинг қарор топиши;
- Амалий ишларнинг бир шакли ҳисобланувчи тренинглар модератор, тренер йўналишининг мазмунини белгилайди.

Гуруҳларда ишлашнинг асосий тамойиллари қуйидагилар деб белгиланган:

1. *“Шу ерда ва ҳозир”*.

Бу тамойил иштирокчиларни таҳлил предмети бўлиб гуруҳда содир бўладиган жараёнлар бўлишига йўналтирилган.

2. *“Самимият ва очиқлик”*

Гуруҳ бўлиб ишлашда энг муҳими ёлғон гапирмаслик ва тилёғ-лама қилмаслик. Муносабатлар қанчалик самимиятга асосланган бўлса, гуруҳ бўлиб ишлаш шунчалик самарали бўлади. Адолатли бўлиш бошқаларнинг ҳам худди шундай муносабатини келтириб чиқаради.

3. “Мен” принципи

Иштирокчиларнинг асосий эътибори ўз ўзини таҳлил қилишга мўлжалланган бўлиши керак. “Бизнинг фикримизча...”, “биз бошқача фикрга эгамиз..” деган мулоҳазаларга йўл қўйилмайди.

4. Фаоллик.

Гуруҳда пассив иштирок этишнинг имкони бўлмаслиги лозим. Тренинг интерфаол методларидан бири бўлганлиги учун тренингда фаол иштирок этиш мажбурийдир.

5. Махфий.

Муайян бир иштирокчиларга нисбатан гуруҳда айтиладиган барча гаплар психологик хавфсизлик муҳити яратилишининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Умуман олганда, ўқишнинг бир тури ҳисобланмиш тренинг билимларни бойитиш, ахборот алмашиш ва инсон имкониятларини юзага чиқариш имкониятини беради.

4.2. Ўйин технологиялари, уларнинг турлари

Ўйиннинг айрим хусусиятларига тўхталиб ўтамиз. Бунга мутахассислар, энг аввало, ўйин ҳудуди, вақт ва маконни киритишади.

Ўйин унинг иштирокчилари учун маъқул бўлган дунё моделини яратади. Ушбу модел доирасида янги вазият келиб чиқади, предмет ва ҳаракатларнинг семантик маъноси ўзгаради.

Ўйин хусусиятларидан бири савол-жавоб методи, ижодкорлик руҳи ҳам кириб кетади. Ўйиннинг турларидан бири бўлиб ролли ўйинлар ҳисобланади. Ролли ўйинларда иштирокчиларга бошқа одамни ўйнаш таклиф қилинади. Бу методикалар қуйидагиларга ёрдам беради:

- танқидий фикрлаш кўникмаларининг ҳосил бўлиши ва тасаввурнинг ривожланиши;
- ўзининг муносабати, фикри, қадриятларини аниқ ифода этиш;
- амалиётда бошқа турдаги хатти-ҳаракатни қўллаш;
- амалиётда муаммони ечиш кўникмасини қўллаш;
- бошқа одамларга ҳамдардлик билдириш руҳини тарбиялаш;

Бу методикаларни қўллашда қуйидаги қоидаларни тавсия қилиш мумкин:

1. Машқлар соддадан мураккабга қаратилган бўлиши лозим.
2. Бошидан силлиқ машқларни кутмаслик керак. Иштирокчиларга бир неча ролли ўйин ўтказиш имконияти берилади. Фаолият турларини ўзгартириб туриш лозим.

3. Иштирокчилар ўзларини бемалол ҳис қилишлари учун бундай машқлар сокин ва эркин муҳитда ўтказилиши, иштирокчилар эса бундай вазиятда фақат бир тўғри қарор бўлиши керак деб ўйламасликлари лозим.

4. Иштирокчиларга қарама қарши нуқтаи назарларга назар ташлаш имкониятини бериш мақсадида ролларни алмашиш.

5. Иштирокчилар машқларни ўрганиб, чуқур таҳлил қилишлари лозим.

Ҳуқуқий ролли ўйинлар бир неча вазифаларни бажаришлари мумкин:

- мавзунини ўрганиш учун асос келтирмоқ;
- у ёки бу муаммо ёки казуснинг муҳокамаси олдидан уни шарҳлаш;
- амалий кўникмаларнинг қайта ишланиши методлари (масалан, шартнома тузиш кўникмалари ёки юрист билан учрашув ўтказиш);

Ролли ўйинлар бажариш тартиби қуйидагиларда ифодаланади:

Дастлаб:

1. Дастлаб ҳаммасини режалаштириш лозим;
2. Ҳар бир рол учун зарур маълумотларни йиғиш лозим.
3. Иштирокчиларни тайёрлаш лозим.

Ўтказилиши вақтида:

1. Кириш ёки ролли ўйиндан бошлаш лозим.
2. Ролли ўйиннинг ўтказилиши;
3. Яқун яшаш –
 - муаммо ечимини топдими? Нима учун ечимини топмади? У қандай ечимини топди?
 - қандай бошқа хатти-ҳаракат танлаш керак эди?
 - шунга ўхшаш бошқа вазиятлар билан тўқнаш келганмисиз?
 - бу томоннинг ҳаракатини қандай тавсифлайсиз?
 - Иккинчи томон қандай хатоларга йўл қўйди?

Ҳуқуқий ўйинларнинг дидактик вазифаси ўйин ҳаракатларини муҳокама қилиш орқали амалга оширилади.

Ҳуқуқий ўйин икки босқичда – жараёни таҳлил қилиш ва бошқа вазиятларда тажрибани қўллаш имкониятини муҳокама қилишда кўриб чиқилади.

Ҳуқуқий ўйин муҳокама ва ўқув-билиш фаолияти натижасининг икки томонига эга – предмет-мазмун ва ижтимоий-психологик.

Ҳуқуқий ўйин асосида таълим моделининг схемасини умумлаштириш қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

1. Ҳуқуқий ўйин вазиятларини яратиш.
2. Ўйиннинг бориши: “вазиятни бошдан кечириш”
3. Ҳуқуқий ўйин натижалари: натижалар, иштирокчилар ҳаракатига баҳо бериш;
4. Ўйин натижалари ва боришини муҳокама қилиш; ўйин вазиятини таҳлил қилиш, унинг борлиққа мувофиқлиги, ўқув-билиш фаолияти яқунларини ясаш;

Ҳуқуқий ўйиннинг боришида “эксперт” бўлиши лозим. Одатда эксперт муҳокама олиб боради, ўйин натижалари, унинг самарадорлигига баҳо беради.

Ҳуқуқий ўйин натижаларини муҳокама қилиш босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1 босқич - ўйин вазиятини тиклаш;
- 2 босқич – ҳуқуқий характердаги муаммоларни аниқлаш;
- 3 босқич – ҳар қандай ҳуқуқий ўйин ҳуқуқий таълимнинг бошланиши бўлиши лозим.

Ролли ўйинлар интерфаол метод восита бўлиб, муайян муаммони ҳал қилиш амалий кўникмаларини шакллантиради.

4.3. Кичик гуруҳларда ишлаш

Яна битта самарали инновацион методлардан бири кичик гуруҳларда ишлаш ҳисобланади. Кичик гуруҳларда ишлаш – катта гуруҳларда имкон бермайдиган оммавий стратегиялардан биттаси ҳисобланиб, ўқувчиларга ҳамкорлик кўникмаларини, ўзаро муносабатлар (хусусан, фаол эшитиш кўникмаси, умумий фикрга келиш, вужудга келган низоларни ечиш) имконини беради. Кичик гуруҳда ишлаш – кўпгина интерфаол методларнинг ажралмас қисми, масалан, мозаика, дебатлар, ижтимоий тингловлар, ўхшатиш ва суд жараёнинг барча турлари ва ҳ.

Шу билан бирга, кичик гуруҳларда ишлаш кўп вақт талаб қилади. Гуруҳларда ишлаш методини ўқувчилар ўзлари муаммони мустақил ҳал қила олмаган ҳолларда қўллаш лозим.

Кичик гуруҳлар билан ишлаш бўйича тавсиялар

1. Гуруҳ бўлиб ишлашни шошмасдан бошлаш лозим. Агар ўқувчиларда кичик гуруҳларда ишлаш тажрибаси бўлмаса, олдин

жуфтликлар ҳосил қилиш мумкин. Алоҳида эътибор катта гуруҳларда ишлашга қийин мослашадиган ўқувчиларга берилади. Иштирокчилар кичик гуруҳларда ишлашга ўрганганларидан кейин, уч кишидан тузилган гуруҳларда ишлашга ўтиш мумкин. Гуруҳга беш кишидан ортиқ одам олиш мумкин эмас.

2. Гуруҳда ишлашга ўргатиш ва уни назорат қилиш лозим. Аудиторияни айланиб чиқиб, кичик гуруҳда ишлаш учун қандай кўникмалар кераклигини тушунтириш лозим.

Гуруҳ иши борасида қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

* Бошқаларнинг ҳуқуқ ва фикрларини ҳурмат қилиш: гуруҳнинг ҳар бир аъзосига ўз фикрини айтиш имкони бериладими?

* Муроса ва ҳамкорликка тайёргарлик. Гуруҳда ўзининг фикрини бошқаларга ўтказишга ҳаракат қилаётганлар борми?

* Бошқа одамларни қўллаб қувватлаш. Гуруҳдаги турлича фикрларга кулоқ сола билиш.

* Тинглаш ва ҳамкорликка тайёр бўлиш.

* Бошқаларни қўллаб қувватлаш;

* Тинглай билиш.

* Низо. Агар гуруҳнинг бир ёки ундан ортиқ аъзоси турлича вазиятда бўлсалар, гуруҳ бу низо тўғрисида гапиришни ҳохламаяптими?

* Коммуникатив кўникмалар. Гуруҳ аъзолари ҳамсуҳбатининг кўзига қараяптими?

3. Гуруҳнинг ҳажмини танлаш лозим. Гуруҳнинг катта бўлиши давомида уларнинг иштирокчиларининг имкониятлари, тажриба ва кўникмалари кенгайиб боради. Кичик гуруҳларни ташкил қилиш осон бўлгани учун улар самаралироқ.

Икки кишидан иборат гуруҳ – бундай гуруҳларда ахборот юқори даражада алмашилиб қарама қаршилиқлар кам бўлади. Турли низолар бўлганда иштирокчиларнинг ҳеч бири иттифоқдошига эга бўлмайди.

Уч кишидан иборат гуруҳ – бу ҳолда икки кучли ташкилот ожиз аъзони сиқиб чиқариши мумкин.

Беш кишидан иборат гуруҳлар – ўқув мақсадлари учун қулай гуруҳ ҳисобланади. Фикрларнинг 2:3 мутаносибликда тақсимланиши кўпчилиқни қўллаб қувватлашни таъминлайди.

Бу методика билан ишлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим:

- ўқувчилар билим ва кўникмаларга эга эканликларини аниқлаш. Билимларнинг етишмаслиги аниқлаш жуда осон – топширилган вазифаларни бажаришга куч ишлатилмайди.

- ўзининг кўрсатмаларини максимал даражада аниқ қилиб кўрсатиш;

- ўқишни якка ва ҳамкорликда бирга олиб бормоқ;

- кичик гуруҳларда ишлаш қоида бўлмаслиги лозим;

- гуруҳ ичида ишлаш бошқаруви масалаларига эътиборли бўлиш;

- гуруҳларни шакллантириш жараёнида ўқувчиларга лақаб қўйишдан эҳтиёт бўлиш.

- Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси бир-бирини яхши кўриб туриши лозим;

Алоҳида эътибор таълимнинг ижтимоий жиҳатларига берилади.

Кўрсатилган жиҳатларнинг ҳар бири гуруҳнинг самарали иши учун зарур. Асосийси, шу тариқа таълим олаётганларнинг фаолиятини фаоллаштириш мақсадида йўналтириб туриш.

4.4. “Ақлий ҳужум” ўтказиш технологияси

Асосий инновацион методлардан бири “ақлий ҳужум” ҳисобланади. “Ақлий ҳужум” методи ва термини америкалик олим А.Ф. Осборн томонидан тавсия қилинган.

Ҳозирги кунда “ақлий ҳужум”нинг бир неча методлари ишлаб чиқилган. Бевосита “ақлий ҳужум” ижодий масалани ҳал қилиш ғояларини жамоавий йиғиш ҳисобланади. Бу методнинг мақсади ғояларни йиғиш, ижодий масалаларни ечишда ҳар томонлама фикрлашишдир.

Бу методнинг асосий тамойиллари ва қоидалари иштирокчилар таклиф қилган ғояни умуман танқид қилмаслик, турли ҳазил, эътирозларни рағбатлантириш. Ушбу методни қўллаш муваффақияти баҳс-мунозарани олиб бораётган раҳбарга боғлиқ. Раҳбар мунозарани тўғри томонга йўналтириб бориши лозим.

“Ақлий ҳужум”нинг давомийлиги 15 минутдан бир соатгача давом этиши мумкин. Ғоялар эксперт-мутахассислар томонидан йиғиб олинади. Бошида умумий сондан энг оқилоналари танлаб олинади.

Ж. Дональд Филипс томонидан тавсия қилинган оммавий “Ақлий ҳужум” катта аудиториядаги янги ғояларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Кичик гуруҳларнинг иши турлича, масалан

15 минутдан бўлиши мумкин. Ғояларни йиғилгандан кейин уларга баҳо берилади.

Қуйидаги босқичларнинг бажарилиши кўзда тутилган:

1-босқич – кичик гуруҳларнинг шаклланиши;

2-босқич – муаммоли вазият таҳлил гуруҳининг яратилиши, ижодий масаланинг дастлабки кўринишини шакллантириш;

3-босқич – “ақлий ҳужум” қоидаларига кўра ғояларни йиғиш;

4-босқич – ғояларни тизимлаштириш ва таснифлаш;

5-босқич – ғояларни амалга оширилиши имкониятларини кўриб чиқиш;

6-босқич – танқидий фикрларнинг баҳоланиши.

“Ақлий ҳужум” жараёнида одамлар кулгили бўлишга қўрқмасликлари, энг бемаъни ғояларни илгари суришлари лозим.

Бугунги кунга қадар “ақлий ҳужум”ни қандай қилиб тўғри ўтказиш қоидалари ишлаб чиқилмаган.

“Ақлий ҳужум”ни ўтказиш қоидалари:

1. “Ғояларни илгари суриш”да ҳеч қандай баҳо берувчи фикрларга йўл қўйилмайди (агар сиз ғояларга баҳо берсак, одамлар эътиборини янги ғояларни илгари суришнинг ўрнига ғояларни ҳимоя қилишга қаратади).

2. Барчани кўпроқ ғояларини “йиғиш”га рағбатлантириш лозим. Энг ғаройиб ғоялар илгари сурилади (Агар “ақлий ҳужум” кўп ғоялар олиш имкониятини бермаса, иштирокчилар ўз ғояларини обдан цензурадан ўтказишади).

3. Ғоялар қанча кўп бўлса, шунча яхши.

4. Барча иштирокчилар бир-бирининг ғояларини ривожлантириш ва ўзгартиришлари лозим.

Аудиторияда қуйидаги мазмундаги плакат осиб қўйиш мумкин:

Қоидалар:

1. Миянгизга келган фикрни айтишингиз мумкин.

2. Бошқа одамларнинг фикрини танқид қилманг ва муҳокама қилманг.

3. Бошқалар айтган ғояни такрорлашга уялманг.

4. Бировнинг ғоясини кенгайтириш, рағбатлантирилади.

“Ақлий ҳужум” ғояси асосида методистлар томонидан турли мақсадларни олдиға қўйувчи интерфаол методлар ишлаб чиқилган.

4.5. Назарий ва амалий фанларни ўқитишда интерфаол педагогика воситаларидан фойдаланиш

Назарий ва амалий фанларни ўқитиш интерфаол педагогика воситаларини қўллаш имкониятлари жуда кенг. Фанлар, тушунчалар, терминлар ўртасидаги мантиқий алоқани ривожлантириш ва ўрнатишга йўналтирилган тест топшириқларини ўз ичига олган интерфаол услублар кичик ва ўрта гуруҳларда ишлаш, жуфт бўлиб ишлаш, якка ва жамоа бўлиб ишлаш имкониятини беради.

Махсус назарий фанлар бўйича семинар машғулотларда талабаларга “ақлий ҳужум” элементларини қўллаган ҳолда кичик гуруҳларда ишлаш (7-8 киши бўлиб) таклиф қилиниши мумкин. Ақлий ҳужум тамойили, илгари айтиб ўтилганидек, қанча кўп ғоя илгари сурилса, шунчалик тўғри жавоб топилиши муқаррар. Талабаларга уч гуруҳга бўлиниши таклиф қилинади (тенг миқдорда). Ҳар бир гуруҳ муайян вақт давомида дарсликлар, луғатлар, дастурлар, маъруза ва семинар машғулотларини қўллаган ҳолда таклиф қилинган тушунча, ҳодиса, терминнинг тавсифини топиши лозим.

Ўқитувчи гуруҳда ҳар бир иштирокчининг ишлаш фаоллигини кузатиб туради. Бундай турдаги ишнинг самарадорлигини амалиётда кузатишимиз мумкин. Семинар машғулотларига тайёрланган талабалар билан ишлаш анча осонлик туғдиради. Ҳар бир талабанинг фаол иштирокидан жамоа натижаси боғлиқ. Гуруҳ вакиллари ўз ишларини тақдимот қилганларидан кейин хулосалар қилиниб, ғолиб гуруҳ аниқланади ва бонус-балл қўйилади.

Яна бир самарали услублардан бири, фикримизча, “дастлабки терминлар” ёки “калит тушунчалар” услуби ҳисобланади. Талабаларни 3-4 гуруҳга бўлиб, ўқитувчи ҳар бир гуруҳга бирор бир мавзу бўйича 8-10 термин ёки тушунча тавсия қилади. Ҳар бир гуруҳ олдида уларнинг маъносини ўйлаб чиқиш ва улар ўртасида ўзаро алоқа ўрнатиш вазифаси туради. Тушунчалар ўртасидаги ўзаро алоқа ўрнатилгандан кейин улар муайян илмий матнда қандай акс эттирилиши тўғрисидаги маълумот умумлаштирилади. Бундай топшириқларга, масалан, ўғирлик, очик ўғирлик, ўзганинг мулкни ўғирлаш, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликдан маҳрум этиш, тан жароҳати етказиш, зўрлик ишлатиш хавфи, бир гуруҳ шахсларнинг тил бириктириши кириши мумкин. (ЎзР ЖК 166-моддаси).

Талабалар томонидан тузилган матн асл нусха билан солиштиралади, талабалар ўзининг ишини тақдим этилган илмий ахборот билан солиштириб кўришади.

Санаб ўтилган услублар назарий ва амалий фанларга ўқитишда интерфаол услубларни қўллашнинг тўла манбасини қамраб олмай, балки таълимнинг бошқа шаклларини ишлаб чиқиш учун мўлжал бўлади.

Интерфаол услублар нафақат инсон онгини, балки ҳиссий-иродавий сифатларини ҳам ҳаракатга келтиради. Бу материални ўзлаштириш ва фанга бўлган қизиқишни шакллантириш фойзини кўпайтириш имкониятини беради.

5 Бўлим. Педагогик маҳорат

5.1. Олий ўқув юрти ўқитувчисининг касб қобилияти комплекси

Ўқитувчи амалий ва семинар машғулотлари ўтказишда таянч фигура ҳисобланади. Олий ўқув юртларида ва махсус ўқув юртларида ўқитувчига ўзининг ихтисослиги бўйича ўқув ва услубий ишлар, ўқув ва ишлаб чиқариш ишларига, талабаларнинг мустақил машғулотлари ва илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш юклатилади.

Ўқитувчи фаолиятининг асосий мазмуни ўз ичига бир неча вазифалар – таълим, тарбия, ташкил қилувчи ва тадқиқот вазифаларини олади. Улар барчаси бир бутунни ҳосил қилиб, айримларда уларнинг бири бошқасидан устувор бўлади. Олий ўқув юртининг ўқитувчилари учун педагогик ва илмий фаолиятнинг уйғунликда олиб борилиши хос: илмий тадқиқот ички дунёни бойитади, унинг ижодий салоҳиятини ривожлантиради, билимлар даражасини оширади.

Педагогик мақсад чуқур умумлашмаларга ва материални тизимлаштиришга, асосий ғоя ва хулосаларни шакллантиришга, аниқлаштирувчи саволлар беришга, ҳаттоки янги фаразларнинг туғилишига ундайди.

Олий ўқув юртларининг ўқитувчиларини шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Педагогик йўналиш устувор бўлган ўқитувчилар (умумий сондан 2/5).

2. Илмий тадқиқотлар олиб бориш устуворлик қилган ўқитувчилар (тахминан 1/5).

3. Педагогик ва илмий фаолиятни бир хил олиб борадиган ўқитувчилар (1/3дан сал кўпроқ).

Амалиёт кўрсатишича, педагогик фаолият илмий фаолият билан мустаҳкамланган бўлмаса, касб педагогик маҳорати тез сўнади. Маҳорат педагогик вазифаларни педагогик вазиятларни таҳлил қилиш асосида кўра билиш ва шакллантириш ва уларни ечишда оптимал услубларни топа билишдан ташкил топади.

Ижоднинг ҳар бир турида бўлганидек, педагогик фаолиятда амалдаги ва мустақил топилган нормативлар ўзига хос равишда уйғунлашади. Педагогнинг ижодий ўзига хослиги – унинг фаолиятига берилган юқори баҳо бўлиб, ҳар қандай ижодий фаолиятдагидай ўқитувчи шахси билан ўзаро боғлиқ. Ўқитувчи фаолияти уч таркибий қисмдан иборат бўлади: педагогик фаолият, педагогик муомала,

шахс. Шахс – педагогик фаолият ва педагогик муомалада унинг касб маҳоратини белгиловчи меҳнатнинг бош омилидир. Педагогик фаолият – меҳнат технологияси бўлиб, педагогик муомала – унинг иқлими ва муҳитидир, шахс – ўқитувчи ишининг идеали, ички мазмунидир.

Педагогик тизим томонидан қўйиладиган мақсад ва вазифалар, мазмун, норма педагог ва олим фаолиятининг объектив таркибий қисмлари бўлса, унда илмий-педагогик фаолият услублари индивидуал-субъектив характерга эга. Уларни қўллаш ҳар бир ўқитувчининг қобилиятига боғлиқ.

Педагогик қобилиятлар, одатда, ташкилий ва билиш қобилиятларига киритилади. Ўз билимларини бошқаларга бера олмайдиган шахслар мавжуд. Талабаларга маъруза ўқийдиган профессор ва лаборатория машғулотларини олиб борадиган олим учун турлича педагогик қобилият зарур бўлади. Ф.Н. Гоноболдиннинг фикрича, педагогик фаолиятни қуйидагилар белгилаши лозим:

- ўқув материални тушунарли қилиш;
- ишдаги ижодкорлик;
- ўқувчиларга педагогик-иродавий таъсир ўтказа билиш;
- ўқувчиларнинг жамоасини ташкил қила олиш қобилияти;
- ўқувчиларни яхши кўриш ва қизиқиш;
- нутқнинг мазмунлилиги ва ифодалилиги, образлилиги ва ишончлилиги;
- педагогик такт;
- ўқув материални ҳаёт билан боғлай олиш қобилияти;

Педагогик фаолиятга қўйилган талаб ёш мутахассислар бозорининг вужудга келиши, кўп босқичли таълимнинг ривожланиши, давлат ичидаги олий ўқув юрти ва мутахассисларнинг халқаро аккредитацияси билан ошиб боради.

Педагогик фаолият – педагогнинг касб фаоллиги (таълим, тарбия, ташкилий, бошқарув, конструктив-диагностик). Бундай фаоллик беш қисмдан иборат: гностик, лойихавий, конструктив, ташкилий, коммуникатив.

Бугунги кунда ўқитувчининг илмий билимларни ушлаб турувчи ягона “ушлаб турувчи” роли сусайиб, талабага билимлар дунёсида ҳаракат қилишга ёрдам берувчи эксперт ва маслаҳатчилик роли ошмоқда.

5.2. Интерфаол машғулотларни ташкил қилишда педагогнинг касб маҳорати

Илгари белгиланган интерфаол услублар уларни қўллашда муайян шартларни талаб қилишади:

1. Мақсадни аниқ ифода этиш. Педагог талабалар гуруҳли ишнинг мазмунини, қоидаларини тушуниб турганлигига ишонч комил қилиши лозим.

2. Педагог мазкур жамоанинг хусусиятларини, уларнинг ҳамкорликда ишлашга тайёрликларини ҳисобга олиши лозим.

3. Шуни эсда сақлаш керакки, услубни қўллашдан мақсад ва вазифалар.

4. Педагог у ёки бу услубни амалга оширишнинг босқичларини аниқ тасаввур қилиши лозим.

Педагогик муомала, психология ва муомала маданияти – буларнинг ҳаммаси педагогиканинг таркибий қисмлари. Муаммо устида мустақил ишлаш фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланмоқда.

Педагогик интерфаол методлар кейинги тараққиёти педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларини аниқлаш билан боғлиқ. Таълим ва тарбия назарияси ва методикасида педагогик маҳоратнинг қуйидаги қимслари кўрсатилган:

1. Психологик-педагогик ақл-заковат;

2. Касб қобилияти;

3. Педагогик техника;

Педагогик техника педагогнинг таълим олаётганларга таъсир қилишининг турли усуллари. Таълимни ҳодиса сифатида турли нуқтаи назардан кўриб чиқиш мумкин: ижтимоий, касб, методик ва ҳ. Ижтимоий вазият ўқувчиларга бериш лозим бўлган муайян қадриятлар мажмуасини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бунинг учун педагогга махсус тайёргарлик керак.

"Ақлий ҳужум" методи

Бу методнинг номидан маълумки, ақл воситасида битта муаммога ҳужум уюштирилади. Ҳамма биргаликда бир ҳодисага ёки бир муаммога фикрини қаратса, у ҳолда шу муаммонинг ечимини топиш енгиллашади. Агар муаммони ечиш оғирроқ бўлса, ҳужумни кетма-кет уюштириш мумкин. Талабалар ўзаро бир-бирига ақлий ҳужум қилмай, биргаликда битта муаммога ҳужум қиладилар.

Унинг асл моҳияти, жамоа ҳамкорлигида муаммони ечиш жараёнини вақт бўйича бир неча босқичларга ажратишдан иборат. "Ақлий ҳужум" методининг мақсади талабаларда ижодий, ностандарт фикрлаш қобилиятларини шакллантириш. Бу методни катта гуруҳда ёки кичик-кичик гуруҳларда ҳам қўллаш мумкин.

Дастлаб, гуруҳ йиғилади ва улар олдига муаммо қўйилади. Муаммо ечими ҳақида барча иштирокчилар ўз фикрларини билдирадилар. Бу босқичда ҳеч ким ўзга киши ғояларига ҳужум қилмайди ёки муносабат билдирмайди. Бундай усул воситасида ўнлаб янги ғояларни юзага чиқариш имконияти пайдо бўлади:

1. Ўйин иштирокчиларининг ҳар бири фаол бўлиши лозим.
2. Илгари сурилган ғоялар танқид остига олинмайди.
3. Муаммо ечимидан узоқроқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади.
4. Барча ғоялар (фаразлар) ёзма қайд этилади.
5. Метод самараси фикрларнинг хилма-хиллиги билан тавсифланади.

Навбатдаги босқичда муаммонинг ечимига яқин бўлган 5-6 та асосий ғоя танлаб олиниб, баҳоланади. "Ақлий ҳужум" методи қўлланилишига кўра универсал бўлиб, ўқув материалларини тезкор ўзлаштириш, фаол фикрлаш ва кенг доирада тафаккур юритишга имкон яратади.

Мазкур метод учун муаммо сифатида юридик соҳага оид исталган жараёни ёки иш юритиш ҳужжатларини (Масалан: суд қилиш, тергов, сўроқ қилиш, юзлаштириш ва б.) олиш мумкин. Бу ҳақда 1-,2-иловаларга қаранг.

"Ажурли арра" методи

Французча **Ajouг** сўзидан олинган бўлиб, "бир ёқдан иккинчи ёққа ўтган" деган маънони англатади. "Ажурли арра" деганда, кўч-маънодаги, яъни арра ҳаракати жараёнига ўхшаш, бир томондан

иккинчи томонга ўтиб амалга ошириладиган усул тушунилади. Бунда талабалар аввал бир жойда ишлайди, тайёрланади, сўнгра, бошқа жойга ўтиб, "эксперт" гуруҳини ҳосил этади ва иш фаолиятини давом эттиради, кейин яна "ўз уйи"га қайтади. Бу эса арранинг ҳаракатланишига ўхшайди. Мазкур метод ёрдамида талабаларнинг ҳамкорликда ишлашига, қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотларни ўзлаштиришига имконият яратилади.

"Ажурли арра" методи қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Ўқитувчи ўтилган мавзулар асосида талабаларнинг ҳар бирига мўлжалланган ахборотли пакет тайёрлайди. Унда қўшимча тарзда журнал, газета ва бошқа манбалардан материаллар бўлиши керак. Улар бир хил қоғозда ва бир хил рангда бўлади.

2. Талабалар аввал "ўз уйи", сўнгра, "эксперт" гуруҳларга бирлашиб, топшириқларни мустақил бажарадилар. Биринчи босқич - "ўз уйи"да тайёрланиш ва иккинчи босқич - "эксперт" гуруҳларга бирлашиш. Ҳар икки босқич учун аниқ вақт белгиланади ва у ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ҳар бир гуруҳда 3-7 тадан талаба бўлиши мумкин. Талабалар ҳар бир босқичда олдиндан аниқ режаланган (лойиҳаланган) вазифаларни бажариб, ўз маҳоратлари, билим ва малакаларини намойиш этадилар. Ўқитувчи экспертларнинг баҳо-си ва изоҳларини ҳисобга олиб, уларни умумлаштиради ва хулосалайди.

3. Мазкур методни амалиётга татбиқ этиш, ўқитувчидан ижодий изланишлар талаб этади. Ўқитувчи дарслик, қўлланма, журнал, газета ва бошқа ўқув манбаларидан кенг фойдаланган ҳолда, юридик таълим соҳасига оид янги муаммолар, ғояларни олиб, уларни ҳар бир қатнашчи учун алоҳида тайёрлайди. Қўйиладиган савол ёки муаммо Олий Мажлис сессиялари, Конституция, конституцион ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига доир долзарб мавзуларга, уларни ўрганишга бағишланади.

"Мунозара" методи

Америкача мунозара методини турли шаклларда ташкил этиш эътироф этилган. Бизнинг амалиётда энг кўп тарқалган тури бу "телемунозара", "телешоу", "баҳс-мунозара" кабилар. Бу метод ёрдамида талабаларга бирор мавзу бўйича тўлиқ, атрофлича ахборот бериш мумкин.

"Мунозара" методини қўллаш:

- бошловчи (ўқитувчи, журналист, диктор ва х.) мавзунинг олдиндан танлайди ва иштирокчиларни таклиф этади;

- талабалар 3-5 кишилик гуруҳларга бўлинадилар;

- бошловчи котибни тайинлайди ва мунозарани бошлайди.

Котиб ўртага ташланган барча ғояларни тўлиқ ёзиб боради;

- бошловчи танқидий фикрлаш учун шароит яратиб, билдирилган фикрларни таҳлил қилиб, мустахкамлаб боради. Пировард натижада, қўйилган муаммонинг ечимига тегишли бўлган ғояларгина ажратиб олинади;

- бошловчи иштирокчиларнинг асосий мавзудан четга чиқиб кетмасликлари учун масъулдир;

- мунозара учун танланган мавзу ва мавзу бўйича саволлар илмфан ёки ҳуқуқий муносабатларнинг долзарб, айти пайтда, қизиқарли соҳаларига оид бўлиши лозим. Масалан, бугунги кунда мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизимида қандай ислохотлар амалга оширилмоқда? Ёки либераллаштириш деганда нималарни тушунасиз? каби.

"Ўз ўрнингни топ" методи

Агарда аудиторияда бирор мавзу бўйича тортишувлар вужудга келса, бу метод ёрдамида муаммонинг ечимини топиш мумкин. "Ўз ўрнингни топ" методи талабаларнинг ўз фикрларини мустақил баён қилиши, шунингдек, мулоҳазаларини қайта тиклашига имконият яратади. Уларда мулоқот кўникмаларини шакллантиради.

"Ўз ўрнингни топ" методини қўллаш:

1. Аудиториянинг қарама-қарши бурчакларига иккита плакат осилади. Уларнинг бирига **"розиман"**, бошқасига **"рози эмасман"** деган сўзлар ёзиб қўйилади. Плакатларга иккита бир-бирига зид фикр ҳам ёзиб қўйилиши мумкин. Масалан: "Юридик терминология билан юридик атамашунослик иккови битта тушунчанинг икки хил шакли" ёки "Юридик терминология билан юридик атамашунослик иккови икки хил, алоҳида тушунчалар".

2. Мазкур методнинг қонун-қоидалари тушунтирилади.

3. Талабалар қўйилган муаммо бўйича ўз фикрларига мос томонга ўтишиб, плакат ёнидан жой оладилар. Фақат талабаларнинг сони 20 тадан ошмаслиги керак.

4. Икки томонга ажралган талабалар ўз фикрларини исботлашга киришадилар. Бу пайтда, улар ўз фикрларини ўзгартириб, қарама-

қарши томонга ўтишлари ҳам мумкин. Фақат улар нега бундай қилганлигини асослаб беришлари керак.

5. Иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари тўлиқ эшитилгач, ўқитувчи уларни таҳлил қилиб, хулосалайди ва талабаларни баҳолайди.

6. Бундай метод воситасида битта мавзуга доир турли хил ёндашувлар мавжудлиги намоён этилади.

7. "Ўз ўрнини топ" методи фақатгина аудиторияларда эмас, балки табиат кучоғида, сайлгоҳларда ҳам қўлланилиши мумкин.

"Меню" методи

Якка тартибда ёки кичик гуруҳларда иш олиб боришни хоҳлаган ижодкор ўқитувчига бу методдан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда кичик гуруҳ ёки талабага аниқ топшириқ берилади.

Масалан, **"Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари"** мавзусида ёки уларнинг таснифи ҳақида бўлиши мумкин:

- а) Конституциявий ҳуқуқлар
- б) Маъмурий ҳуқуқлар
- в) Фуқаролик ҳуқуқлари
- г) Меҳнат ҳуқуқлари

Ҳар бир гуруҳ топшириқни олгач, уни 3 дақиқа давомида муҳокама қилишади. Сўнгра, ҳар бир гуруҳдан биттадан вакил ўқитувчи столига келиб, тайёр "Меню"ни олиб қайтади. У узун қирқилган бир хил қоғозлар бўлиб, уларда хилма-хил ҳуқуқ нормалари баён қилинган бўлади. Ана шу "Меню"лар асосида талабалар ўзларига тегишли вазифани бажарадилар. Вазифалар оғзаки ёки ёзма бажарилиши мумкин. Ўқитувчи эса гуруҳ фаолиятини ва ниҳоят, ҳар бир талаба фаолиятини баҳолайди.

"Дебат" методи

Дебатлар асосида дарсларни ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад, муаммонинг ечимини топишда талабанинг ўз фикрига ўзгаларни ишонтиришидир. Мустақил фикрни аниқ ва мантиқий баён этиш, ишонарли далиллар топиш, уларни хулосалаш кабилар дебат методининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. "Дебат" методини қўллаш:

- даставвал, иқтидорли талабалар танлаб олиниб, улар икки гуруҳга ажратилади;
- мавзу резолюция шаклида ифодаланади ва эълон қилинади,

Масалан: **"Айбсизлик презумпцияси айбдорни авф этиш эмас"**;

- ҳар бир гуруҳдан гуруҳ сардори ва кузатувчи-ҳисобчи тайинланади;

- резолюцияни қўллаб-қувватлайдиганлар ўқитувчининг ўнг томонига, қаршилар эса чап томонига ўтадилар;

- ўқитувчи сўзга чиқувчилар учун регламентни белгилайди;

- баҳсни ҳар доим резолюцияга қарши томон вакиллари бошлайди. Ўқитувчи гуруҳ талабаларининг биринчисига сўз беради ва унинг аргументларини таҳлил қилиб боради. Кузатувчилар эса уларни ёзиб боради. Шу тариқа талабалар навбатма-навбат сўзга чиқадиладар;

- иштирокчилар шундай аргументларни келтиришлари керакки, улар барчани ўйлашга мажбур этсин ва муаммонинг ечимига қаратилган бўлсин;

- ўқитувчи дарсни яқунлаб, хулосалайди ва талабаларни баҳолайди.

"Давра суҳбати" методи

Унинг ёрдамида ўқитувчи ва талаба ўртасида бевосита алоқа ўрнатади. Ўқитувчи ўрганилган мавзунинг энг муҳим жойларидан талабаларга умумий саволларни ҳавола қилади. Саволлар талабаларнинг билимини текшириш учун эмас, балки уларнинг шу масала билан таниш ёки таниш эмаслигини, навбатдаги кўриладиган масалани ёритиш учун ўтишга тайёр ёки тайёр эмаслигини аниқлаш учун берилади.

Талабалар ўз ўринларидан туриб, саволларга жавоб беришади. Ўқитувчи эса жавоблардаги турли ёки бир хил тушунчаларни умумлаштириб, уларнинг аниқ жавобга қанчалик яқин ёки узоқ эканлигига қараб, масалани ёритишга ўтади.

"Мунозарали давра суҳбати" методи.

Бунда ўқитувчи талабанинг жавобини эшитиш билан чекланмасдан, балки уларга бемалол ўз фикрларини изҳор қилишга имконият беради. Бу усул, албатта, ўқитиш жараёнини жонлантиради, талабаларнинг билим доирасини янада кенгайтиради. Кўрилаётган масала бўйича мавжуд муаммолар ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигида аниқланади ҳамда уларнинг ечими бўйича биргаликда мунозара юритилади. Шу йўсинда саёз билимдан чуқур ва тўлиқ билимга, ўргани-

лаётган ҳодисанинг туб моҳиятини тушунишга эришилади. Ўқитувчи учун гуруҳдаги фикрларни умумлаштириш имконияти туғилади.

"Анжуман" методи

Бир қанча муаммолар бўйича уюштирилиб, унга йирик мутахассислар ва мутасадди шахслар таклиф қилинади. Талабалар анжуман иштирокчиларига саволларни оғзаки (тўғридан-тўғри) ёки ёзма равишда беришлари мумкин.

"Брейн ринг" методи

Талабалар командаларга бўлиниб, кўрилаётган масала бўйича бир-бирларига савол ёки тест саволи беришади. Талабалар навбат билан саволларга жавоб берадилар. Ҳар бир командадан сардорлар сайланиб, балларни ҳисоблаб боради. Сардорларни ўзаро баҳслаштириш ҳам мумкин.

Ҳозирги кунда, амалий машғулотларда қўлланиладиган интерфаол методларга таяниб, қуйидаги вазифаларни назорат қилиш мумкин:

- талабанинг амалий масалаларни еча олиши;
- масалани мустақил таҳлил қила олиши;
- ҳодисаларни умумлаштириб, тегишли амалий хулоса чиқара олиши;
- ўз билим доирасини кенгайтириб, назариядан амалиётга ўта олиши ва уларни ўзаро боғлай олиши.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент., "Шарқ", 1997 й.
2. И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Тошкент., "Шарқ", 1999 й.
3. И.А.Каримов. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. "Тафаккур" журнали, 1998 йил, 2-сон.
4. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Тошкент., "Ўзбекистон", 1994 й.
5. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент., "Шарқ", 1998 й.
6. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент., "Ўзбекистон", 1997 й.
7. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент., "Ўзбекистон", 1998 й.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент., "ЎзбекистонГ", 2001 й.
9. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Тошкент., 1997 й.
10. Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тошкент., "Шарқ", 1997 й.
13. В.П.Беспалько. Слагаемне педагогической технологии. Москва., «Педагогика», 1989 г.
14. М.В. Кларин. Педагогическая технология в учебном процессе. Москва., "Знания", 1989 г.
15. Б.Л.Фарберман. Илғор педагогик технологиялар. Т., 1999 й.
16. Воинова М.Г. "Педагогические технологии и педагогическое мастерство", Лекционный курс, 2005 г.
17. Баходир Суюнов, "Янги педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат", ТДЮИ, 2004 й.

Мундарижа

Кириш	3
1 бўлим. Таълим тизими ва педагогик кадрлар тайёрлашда педагогик технологиялар.	
1.1. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ислоҳ қилиш мақсад ва вазифалари	5
1.2. Педагогик технологиялар: замонавий педагогика тушунчаси ва аҳамияти	8
2 Бўлим. Талаба шахсини ривожлантиришга бўлган илмий ёндашувлар	
2.1. Билиш фаолиятининг психологик-педагогик асослари	13
2.2. Таълим жараёнида ижтимоий-фаол шахсининг шаклланиши	16
3 бўлим. Илғор педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари.	
3.1. Педагогик технологияларни яратишнинг илмий-назарий асослари.....	17
3.2. Таълимнинг анъанавий методларига инновацион ёндашув	18
3.3. Таълимнинг интерфаол методларининг назарий асослари.....	20
Педагогик ахборот технологиялари	23
4. Ўйин ва инновацион технологияларнинг қўлланилиши назарияси ва амалиёти.	
4.1. Тренинг интерфаол метод сифатида	30
4.2. Ўйин технологиялари, уларнинг турлари	31
4.3. Кичик гуруҳларда ишлаш	34
4.4. “Ақлий ҳужум” ўтказиш технологияси	37
4.5. Назарий ва амалий фанларни ўқитишда интерфаол педагогика воситаларидан фойдаланиш	38
5 Бўлим. Педагогик маҳорат	
5.1. Олий ўқув юрти ўқитувчисининг касб қобилияти комплекси	40
5.2. Интерфаол машғулотларни ташкил қилишда педагогнинг касб маҳорати	42
Илова.....	44

Муҳаррир: Г.Ғуломова